

Божхона соҳасидаги ислохотлар бугунги ривожланаётган даврининг долзарб масаласи сифатида

Мазкур мақола божхона соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчиликдаги янгиликлар, маълум бир муаммолар, фикрлар ва мулоҳазаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат божхона хизмати органлари фаолиятидаги тартиб-таомиллар тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири сифатида баҳоланди.

2018 йилда божхона органлари томонидан фаол тадбиркорликни, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар тўғрисида, божхона соҳасида яратилаётган имтиёзлар, енгилликлар ва қулайликлар ҳақида кенг оммани хабардор қилиш ва вилоят ҳудудида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар, очик мулоқотлар ташкил этилди.

Аввало Президентимизнинг “Нима учун мамлакатимиз ҳудудининг ўзида битта юк бир неча марта текширилиши керак?” [1] деган долзарб саволни билдириб, божхона назорати самарадорлигини ошириш бўйича муҳим инновацион ғояни ўртага ташлаганлари, яъни, товарларни божхона кўригини танлаб текшириш принципига риоя этган ҳолда хавфни бошқариш тизимини қўллаш бўйича божхона органлари зиммасига муҳим вазифа белгилаб берилганлиги айтиб ўтилди.

Божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун кетадиган вақт эса Белгия ва Ўзбекистон мисолида таққосланди. “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да ушбу

камчиликларни бартараф этиш мақсадида божхона соҳасида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш назарда тутилган.

Жумладан, жорий йилда божхона режимларини соддалаштириш ва бунинг натижасида расмийлаштириладиган айрим рухсатномаларни бекор қилиш режалаштирилди ва бу бўйича аниқ чоралар белгилаб олинди. Дастлабки босқичда, 6 та божхона режими бўйича рухсатномалар, шу билан бирга 3 та фаолият турига лицензия берилиши бекор қилиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, хорижий автомобилда юк ташувчиларга божхона органлари томонидан бериладиган автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартиришга доир рухсатнома ҳам бекор қилинади.

Божхона органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш ва ортиқча расмийчиликларни қисқартириш мақсадида мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланиш, хусусан божхона органлари фаолиятига доир жорий қилинган 20 дан ортиқ интерактив давлат хизматларини янада фаоллаштириш, янги-янги электрон хизматларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Туркия, Корея, Германия, АҚШ каби ривожланган мамлакатларда қўлланиб келинаётган ушбу тизим ташқи савдони енгиллаштиришнинг энг мақбул тизими ҳисобланади.

Содда тил билан айтадиган бўлсак, ҳалол тадбиркорлик субъектларига божхона расмийлаштирувини соддалаштирилган тартибда тезкорлик билан ўтказиш, аксинча белгиланган божхона қоидаларини бузган тадбиркорлик субъектларини эса тўғри йўлга бошлаш мақсадида яратилиши лозим бўлган тизимдир.

Йиллар мобайнида божхона органларида тадбиркорлик субъектлари фаолияти бўйича катта ахборот базаси тўпланган. Ушбу ахборотларни таҳлил

қилиш натижасида тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш механизмини жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Хавфни бошқариш тизимида товарни божхона кўригидан ўтказиш кераклиги тўғрисидаги қарорни тадбиркорлик субъектининг ҳалоллигига қараб, автоматлаштирилган ахборот дастуридаги маълумотлар асосида қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. Яъни субъектив ёндашувдан воз кечилади.

Бу тизим кўмагида, ҳалол тўғри ишлайдиган ва тўловларни тўлиқ тўлайдиган тадбиркорлар тўлиқ қўллаб қувватланади. Нотўғри йўлда бўлган тадбиркорларни эса тўғри йўлга бошлаш чоралари кўрилади.

Ҳозирда божхона органларида хавфни бошқариш тизимини жорий этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишда ҳам божхона тизими муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ортиб борар экан, бу божхона назоратига кетадиган вақтни янада қисқартиришни тақозо этади.

“Агар рақамларга мурожаат қилсак, ўтган йилда мамлакатимизнинг экспорт кўрсаткичлари 15 % га ошди. Экспорт ҳажмидакичиқ бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иштироки 28,5 % ни ташкил қилди.

Мавжуд маълумотларни таҳлил қилсак, салкам 3100 га яқин юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар 2100 турдан ортиқ товарларни хорижга экспорт қилишган. Товарлар турлари ўтган йилга нисбатан 317 тага ошган” [2].

Шунингдек, республикамызда ишлаб чиқарилган товарлар экспортининг географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг 91 мамлакатига Ўзбекистон товарлари экспорт қилинади. 2016 йил билан солиштирилса, бу давлатлар сони 13тага ошди. Эндиликда Баҳрайн, Гана, Замбия, Иордания, Кения, Лаос, Мадагаскар, Мальдива, Мальта, Филиппин,

Хорватия, Янги Зеландия, Қатар давлатларига ҳам маҳсулотлар экспорт қилинган.

Биринчи галда, шуни таъкидлаш жоизки, жаҳоннинг етакчи давлатлари каторида экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамизда экспорт божхона божи бекор қилинган. Президентимиз томонидан экспорт божхона божини бекор қилиш масаласи илгари сурилди. Хусусан, “Экспортёрларимиз учун амалдаги конунчилигимизда жорий қилинган яна бир имтиёз шундан иборатки, агар ишлаб чиқарувчиларимиз акциз солиғига тортиладиган товарларни экспорт қилишаётган бўлишса, у ҳолда акциз солиғи солинмайди ҳамда қўшимча қиймат солиғидан ҳам озод этилади (қимматбаҳо металллар бундан мустасно)” [3].

Албатта, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг божхона божи ва йиғимлари бўйича маълумотлар алоҳида қизиқтиради. Шу нуқтаи назардан олинса, “Яъни, 2017 йил 1 октябрдан бошлаб, барча товар позициялари бўйича импорт божхона божи ва акциз солиғининг амалдаги ставкалари туширилди.

Хусусан 10 мингдан ортиқ товар позицияси бўйича божхона божи ставкалари тушурилди, Шундан 6240 та товар позицияси учун божхона божи бутунлай олиб ташланди. Божхона божи ставкасининг ўртача арифметик ҳисоби илгари салкам 16 %ни ташкил этган бўлса, ҳозирда салкам 6,5 %ни ташкил этмоқда. Яъни, 2,5 баробарга камайди. Акциз солиғига тортиладиган жами 2713 та товар позицияларидан 1 530 тасига акциз солиғи бекор қилинди” [4].

Ҳозирда маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳар томонлама янада қўллаб-қувватлаш борасида божхона божи ставкалари қайта кўриб чиқилмоқда.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларига янада енгиллик бериш ва уларнинг молиявий харажатларини қисқартириш мақсадида амалдаги бир қанча божхона йиғимларини бекор қилиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан божхона чегаралари орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахсларни божхона назоратидан ўтказишни соддалаштириш ва бу орқали божхона назоратига кетадиган вақтни қисқартириш мақсадида икки йўлакли тизимни жорий этиш топшириғи берилган эди. 2018 йил 1 январдан бошлаб, жисмоний шахслар учун божхона ҳудудига кириб келиш ва уни тарк этиш бўйича “яшил” ва “қизил” йўлак тизими амалиётга татбиқ этилди. Ҳозирда яшил йўлакдан деярли 96 % йўловчилар ҳаракатланмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган эквиваленти 2 000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд хорижий валютани ёзма декларациялаш талаби бекор этилди. Эквиваленти 2000 АҚШ долларида кўп, бироқ 5000 АҚШ долларида ошмаган миқдордаги нақд хорижий валюта Республикадан чиқишда фақатгина ёзма декларация қилинади.

Таъкидландики, ушбу эътироздан келиб чиқиб, Давлат божхона кўмитасининг алоҳида кўрсатмаси ишлаб чиқилди ва эндиликда республикага олиб кириладиган ва ундан олиб чиқиладиган товарлар фақат дастлабки божхона режимига расмийлаштириш вақтида бир маротаба божхона кўригидан ўтказилиши йўлга қўйилди.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳалол тадбиркорлик субъектларига божхона расмийлаштирувини соддалаштирилган тартибда тезкорлик билан ўтказиш, аксинча белгиланган божхона қоидаларини бузган тадбиркорлик субъектларини эса тўғри йўлга бошлаш мақсадида бундай тизим яратилди.

Шунингдек, тадбирда божхона соҳасидаги қуйидаги янгиликлар тадбиркорлар эътиборига етказилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қабул қилинганлиги ҳамда ушбу қарорга мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда бир қатор қулайликлар

яратилганлиги тўғрисида маълумотлар берилди. “Хусусан, 2017 йил 1 декабрдан бошлаб:

- товарлар экспорт божхона режимига расмийлаштирилган вақтдан эътиборан 120 кундан кейингина муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлиши белгиланади. Бунга қадар ушбу муддат фақат айрим ташкилотлар учун 90 кунни, умумий маънода эса 60 кунни ташкил этар эди. Шу билан биргаликда товарлар Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан уларнинг чет элдаги савдо уйлариغا экспорт қилинганда, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг аъзолари томонидан — Палатанинг савдо-инвестиция уйлариغا экспорт қилинганда ушбу муддат 180 кунни ташкил этиши белгиланди.

- тадбиркорлик субъектларига товарларни (махсус товарлардан ташқари), ишлар ва хизматларни экспорт контракти тузмасдан, инвойслар асосида, экспорт қилиш ваколати берилди.

- «Вақтинча олиб кириш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта экспорт қилиниши учун божхона органлари томонидан рухсатнома бериш тартиби бекор қилинди”. [5]

16 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев солиқ, божхона ва молия органлари фаолиятини танқидий таҳлил этиш бўйича тегишли фармойишни имзолади.

“Фармойишда ёзилишича, юқорида номи зикр этилган органлар фаолиятини танқидий таҳлил этиб, тизим вазифаларини бюрократия ва ошиқча овворагарчиликлардан халос этиш лозим. Шунингдек, соҳада ахборот коммуникатсион технологияларини кенг жорий этиш эвазига штат бирликларинини оптимизатсиялаш, қабул қилинадиган қарорларнинг самарадорлигини таъминлаш ва назорат қилиш тартибини мақбуллаштириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, давлат бюджети маблағларини кўпайтириш мақсадида якка тартибда тақдим этилган имтиёз ва преференсияларни бекор қилиш кутилмоқда.

Давлат божхона, солиқ ва молия соҳасида қабул қилинган маҳаллий қонунчилик нормалари халқаро талаб ва стандартларга мослаштирилиши белгиланмоқда.

Ушбу ўрганиш ишлари жорий йилнинг 15 апрелига қадар давом этиб, шундан сўнг, тайёрланган таклиф лойиҳалари Президент Девонхонасига киритилиши кутилмоқда” [6].

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги қонун ҳужжатлари мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, жаҳон бозорида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш, замонавий ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, ички инвестицияни ривожлантириш, яъни барча ички захираларни ишга солиш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг, энг аввало, давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамласа, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, мамлакатимизни тезроқ иқтисодий ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
<http://www.uza.uz/uz/>
2. <http://www.customs.uz/uz/>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш ва экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ. 2017 йил 15 декабр.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 сентябрь, ПҚ-3303-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 ноябр, ПҚ-3351-сон қарори
6. <http://kun.uz/uz/news/2018/01/17/> президент-солик-молия-ва-божхона имзолади